

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Микрокредитбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2020 йил “27” мартдаги 1-сонли
баённомаси



Йиғилиш Раиси

 М. Норгитов

М.Ў.

**“МИКРОКРЕДИТБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
“АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Тошкент – 2020

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (келгусида – Банк) Акциядорлари умумий йиғилиши мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Адлия вазирлигида 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан рўйхатга олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом, шунингдек Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига ҳамда Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

1.5. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили июнь ойининг 01 санасидан 30 санасига қадар ўтказилади. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг ишончли вакили томонидан амалга оширилиши мумкин. Акциядорларнинг ишончли вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида амалдаги қонунчилик талабларига биноан берилган ёзма ишончнома асосида иш кўради.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

1.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

1.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.9. Банкнинг барча акциядорларига, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабат таъминланади.

1.10. Банк Давлат номидан иштирок этаётган акциядорлар билан биргаликда бошқа акциядорларнинг қонун ҳужжатларида белигиланган ҳуқуқларини тан олишади, уларнинг ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўришади, шунингдек бошқа акциядорларнинг қанча улушга эга эканликларидан қатъий назар бир хил муносабат таъминлашади.



1.11. Акциядорнинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича акциядорнинг ўзи билан келишган ҳолда қатнашади ва овоз беради. Бунда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили томонидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини келишиш, Банк иштирокисиз ва қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

1.12. Банк Кузатув кенгаши ва ижроия органи миноритар акциядорларнинг қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда белгиланган ўрни ва ҳуқуқлари чекланилишига йўл қўймайди, шунингдек акциядорлар умумий йиғили кун тартибидаги масалалар, жумладан йирик битимлар тузиш бўйича маслаҳатлар ўтказилишини ташкил этади.

1.13. Банк акциялари Банк Уставининг 7.17.1 ва 7.17.2-бандларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга ҳақли эмас.

2. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Банк Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш;

ж) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Банкнинг «Бошқаруви тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш;

и) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Банкнинг «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги



Низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

к) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

л) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) Банк Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;

н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

о) акциядорларнинг Банк акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

п) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

у) Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

ф) қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

х) ижроия органининг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

ц) Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этиш бўйича:

акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатишни (олишни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирасини инобатга олган ҳолда миқдорини белгилаш орқали ва бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этиш шarti билан, Банк Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ваколатини бериш;



Банк бизнес-жараёнлари ва лойиҳаларини Банкнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Банк бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

Банкнинг «Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ички назорат тўғрисида»ги Низомларини тасдиқлаш;

Банк мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув Кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этмаганлик ёки ушбу Кодекс ва Қоидаларда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш.

2.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банкнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

2.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

Банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

2.12. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида, Банк Уставида ва ушбу Низомда бошқача қоида



белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.13. Мазкур Низомнинг 2.1-банди “а”, “б”, “в”, “д”, “м”, “с” ва “т” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.14. Ушбу Низомнинг 2.1-банди “а” ва “у” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

2.15. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Банк устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.16. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

2.17. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

2.18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари амалдаги қонунчиликда, Банк Уставида ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

3. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ.

3.1. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Банк томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Банк акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

3.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.3. Банк акциядорларининг реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.



3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар рўйхатига киритилган, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг вакиллари, Банк аудитори (ташқи аудитор ва ички аудит хизмати ҳодимлари), Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Банк Тафтиш комиссияси аъзолари қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар (Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар ҳам таклиф этилишлари мумкин).

3.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

3.6. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.7. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг вакиллари йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.8. Умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш жисмоний шахслар бўлган акциядорларни паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида, уларнинг вакиллари эса нотариал тасдиқланган ишончнома ва вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида амалга оширилади.

3.9. Банк акциядори бўлган юридик шахс раҳбари юридик шахс номидан акциядорлар умумий йиғилишида ҳеч қандай ишончномасиз иштирок этади.

3.10. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилди.

3.11. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун Марказий депозитарий томонидан шакллантирилган реестр асосида қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола холига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган ва Банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.12. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри бўйича белгиланган ўзига тегишли овоз берувчи акциялари доирасида овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар.

3.13. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорларнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончнома тақдим этса, у холда ушбу йиғилиш қатнашчисига у вакиллик қилаётган акциядор (акциядорлар) номидан овоз бериш учун бюллетен (бюллетенлар) берилди. Рўйхатдан ўтказиш пайтида у вакиллик қилаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига “___ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича “___” “___” йилда берилган ___-сонли ишончнома” деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми отасининг исми кўрсатилади.



3.14. Акцияларнинг номинал сақловчиси Акциядорлар умумий йиғилишида акциядор томонидан берилган ишончнома бўйича қатнашиши мумкин.

3.15. Банк акциялари акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун реестр тузилган санадан кейин ва акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасигача жойлаштирилган холларда Банк акция олувчига умумий йиғилишда овоз бериш учун ёки унинг кўрсатмаларига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш учун ишончнома бериши керак.

3.16. Акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик битимини тузишлари мумкин. Бундай битим Банкнинг расмий веб-сайтида ошкор этилади.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Банк Кузатув кенгаши, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўyxатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Банк Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш



муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси, Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси ва кун тартиби юзасидан бошқа зарур маълумотлар киради.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

Агар Банк акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган шахс акцияларнинг номинал сақловчиси бўлса, Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар акцияларнинг номинал сақловчисига юборилади. Акцияларнинг номинал сақловчиси уни ўз мижозларига қонун ҳужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиши шарт.

4.6. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳамда соф фойдани тақсимлаш бўйича таклиф киритишга ҳақли.

4.7. Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.9. Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.10. Банкнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.6 ва 4.7-бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.11. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:



ушбу бобнинг 4.6 қисмида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Банкнинг ушбу боб 4.6 қисмида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу бобнинг 4.8 қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар ушбу Низом, Банк Устави ва қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.12. Банк Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.13. Банк Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ИТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЛИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк кенгашининг қарорига кўра қуйидагилар асосида ўтказилади:

унинг ўз ташаббуси;

Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;

тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби;

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий банк талаби.

5.2. Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Банкнинг Кузатув кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.



5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Банкнинг Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 5.1-бандида назарда тутилган миқдордаги Банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Банк Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Банк Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Банк Кузатув кенгаши ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Банк Кузатув кенгашининг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши мазкур Низом, Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган тартибда чақирилади.



6. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонунчилиқда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНИ

7.1. Қуйидагилар Умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади:

Раёсат;
саноқ комиссияси;
котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши раёсати (президиум) ва раиси акциядорлар Умумий йиғилишида сайланади.

7.3. Акциядорлар Умумий йиғилиш раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини тامينлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини тўлиқ бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш масаласини йиғилиш раиси ҳал қилади.

7.5. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, йиғилишни белгиланган регламент доирасида ўтишини таъминлайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тuzилиб, унинг



аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.7. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 кишидан иборат бўлади. Саноқ комиссияси таркибига Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк Бошқарув раиси, Бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас. Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Банкнинг архивига топширади.

7.8. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертлар (инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) мазкур Уставда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

7.9. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.11. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур Низомнинг 7.10-бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.13. Овоз беришда иштирок этган акциядорнинг талабига асосан ўзи тўлдирган овоз бериш бюллетенидан нусха берилиши мумкин.

7.14. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) йиғилиши томонидан саноқ комиссиясининг янги таркибини сайлаш (ёки қайта сайлаш) пайтигача ҳисобланади.

7.15. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик куриш пайтида саноқ комиссияси Банк Кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:



акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

акциядорларга овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;

ишочномалар ва улар томонидан берилладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари) ни беради;

акциядорлар Умумий йиғилиши қворуми мавжудлигини белгилайди.

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

овоз бериш яқунлари тўғрисида баён тузади;

овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.16. Умумий йиғилиш котиби (котибияти) акциядорлар томонидан тайинланади, Умумий йиғилиш баённомасининг тўғри ва қонунчиликда белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштирилишини таъминлайди.

7.17. Умумий йиғилиш котиби (котибияти):

Умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;

ёзма буюртмалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини тузади;

Умумий йиғилиш баённомасини тузади.

8. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар Умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ҳар бир Умумий йиғилишда мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Йиғилиш раиси Умумий йиғилишнинг санок комиссиясини, раёсатини ва котибини (котибиятини) сайлашни таклиф этади.

8.3. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган Умумий йиғилиш раёсати таркибини тасдиқлаш қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

8.4. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар вақтини ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди.

8.5. Муҳокама қилинаётган масала бўйича йиғилиш давомида пайдо бўладиган жорий масалаларни акциядорлар Умумий йиғилиши бош принципи: ҳар бир



қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, Йиғилиш раиси яккабошчилик билан ҳал этади.

8.6. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котибига (котибиятига) муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртма берадилар.

8.7. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин Йиғилиш Раиси акциядорлар Умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

9. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Умумий йиғилиш қарорларининг бажарилиши Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув раиси ҳамда Бошқарув аъзолари томонидан таъминланади.

10.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат, агар йиғилиш қарорида бошқача кўрсатилмаган бўлса ва баённомада қайд этилмаган бўлса, Банк Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

10.3. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари Умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорларга, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиш учун мажбурийдир.

